

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Конун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда

2-3 ноябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қуйидаги қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, қабул қилинди:

● «Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 15 ва 18-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» («Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида») (иккинчи ва учинчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» («Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида») (иккинчи ва учинчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида» (иккинчи ва учинчи ўқишда);

● «Дафн ва дафн иши тўғрисида» (иккинчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» (биринчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» (биринчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (биринчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» (биринчи ўқишда);

● «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» (биринчи ўқишда).

Шунингдек депутатлар Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманига қўшиб, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг номини ўзгартириш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

2-бетда



ТАНИШИНГ - OXFAM NOVIB

Яқинда Тошкентда Oxfam Novib халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилотининг (Нидерландия) тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистоннинг барча минтақаларидаги микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмаларининг вакиллари иштирок этдилар. Тақдимотни шу тадбирни ўтказиш учун Нидерландиядан келган нуфузли амалдор – Oxfam Novib ташкилотининг операциялар бўйича директори Карл Янсен ўтказди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари учун ўзаро билим ва тажриба алмашиш, микромолиялаштириш соҳасидаги илғор халқаро донор – Oxfam Novib билан ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятини яратиб бериш эди. Бу ташкилотга ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида асос солинган бўлиб, асосан Нидерландия ҳукумати томонидан молиялаштирилади. Микромо-

лиявий ташкилотларга уларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш учун қарзлар, инвестиция сармоysi ва ёрдам бериш орқали аҳолининг, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолининг кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш Oxfam Novib фаолиятининг асосий йўналиши саналади.

Яқин вақт ичида Oxfam Novib ўз фаолиятини Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда кенгайтиришни режалаш-

Воқеалар

тирмоқда. Ташкилот шу мақсадда мамлакатимиз микромолиявий секторининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш учун қарз тариқасида 1,5 млн евро ҳамда инвестиция ва ёрдам тариқасида 500 минг евро ажратиш ниятида. Молиявий мадад асосан ижтимоий йўналтирилган микромолиявий институтларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга ҳамда молиявий хизматларидан қишлоқ аҳолининг, айниқса аёлларнинг эмин-эркин фойдаланиши қўламини кенгайтиришга қаратилади.

Жаноб К.Янсен Oxfam Novib Ўзбекистоннинг микромолиявий сектори билан узоқ муддат ҳамкорлик қилиш ва бу сектор равнақ топишини қўллаб-қувватлашдан манфаатдордир деб айтди. Шу сабабли мазкур сектор намоёндалари билан учрашиш ва улар билан амалий алоқани йўлга қўйиш борасида юзага келган бу имконият биз учун секторнинг талаб-эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда келгусида уни янада мақбул тарзда қўллаб-қувватлаш йўлларини муҳокама қилиб кўришга замин яратди.

Мазкур учрашув БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Марказий банкнинг «Микромолиялаштириш секторини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси томонидан, микромолиялаштиришнинг барқарор тизимини яратиш, илғор халқаро тажрибани Ўзбекистоннинг микромолиявий фаолиятига татбиқ этиш, шунингдек маҳаллий микрокредит ташкилотларига ва кредит уюшмаларига уларнинг халқаро шериклар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда қўмақлашишга қаратилган ташаббуслар доирасида ташкил этилди.

Ўз ахборотимиз.

Тақдимот материаллари билан www.undp.uz, www.cbu.uz сайтларида танишиш, қўшимча ахборотларни ҳам айни шу сайтлардан олиш мумкин.

Конунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Конунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 234-сон қарори билан Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ, хавфсизликнинг барча классларига тегишли маиший, техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш ҳамда фақатгина хавфли-

ликнинг III – V классларига мансуб техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмларидан фойдаланиш лицензияланади. Хавфлиликнинг I-II классларига тегишли маиший мақсаддаги пиротехника буюмлари тайёрловчининг йўриқномаси талабларига риоя қилиш шарти билан якка тартибда фойдаланиш мақсадида фуқаролар томонидан эркин сотиб олинishi, ташилиши, сақланиши ва фойдаланиши мумкин (хавфлилик даражаси классификациясини «Ўзстандарт» агентлиги белгилайди).


Фақат юридик шахслар лицензия талабгорлари бўлиши мумкин. У умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига талабгорнинг хоҳишига кўра 5 йилга ёки ундан кам муддатга берилиши мумкин. Аризани кўриб чиққанлик учун 5 ЭКИХ миқдорида йиғим, лицензия берганлик ёки унинг муддатини узайтирганлик учун 10 ЭКИХ миқдорида давлат божи ундирилади. Лицензия бериш фақат «Фаолиятнинг айрим турларини ли-

цензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича, яъни лозим даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар, уларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги ва (ёки) лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига номувофиқлиги сабабли рад этилиши мумкин.

Низомда шунингдек лицензия талаблари, лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, лицензия битимининг мазмуни, аризаларни кўриб чиқиш муддатлари ва бошқалар белгиланган.

ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН НАРХЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 239-сон қарори билан қайси



товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши белгиланди.

Ҳужжат билан Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган ва бошқа масалалар тартибга солинган.

2-бетда

УШБУ
СОҒДА

1-2-бетлар

Қонунчилик палатаси мажлисида қандай қонунлар кўрилди?

\$1 = 1627,64 сўм

3-бет

Якка тадбиркор қанча пенсия олиши мумкин?

€1 = 2264,21 сўм

5-бет

Бухгалтер саволларига жавоб берамиз

£1 = 2613,83 сўм

6-бет

Суд ишида эксперт хулосасининг ўрни

¥10 = 201,82 сўм

ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШЛАР КУТИЛМОҚДА

1-бетда Одатда, биронта ялғи мажлис «ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш» сиз ўтмайди, бироқ бу гал улар айниқса кўп бўлди. Бунда улар нафақат қонун ҳужжатларига, балки топонимика ва маъмурий-худудий тузилиш соҳасига ҳам дахл этди.

Тошкентнинг Собир Раҳимов тумани Олмазор тумани деб номланиши эҳтимоли кўпроқ.

Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани эса аҳолиси зичроқ ва иқтисодий жиҳатдан кўпроқ ривожланган Қизириқ туманига қўшилади. Қонун чиқарувчиларнинг фикрларига кўра, бу ҳол бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий масалалар ҳал этилишига имкон беради (ерларнинг тақсимланиши мақбуллашади, инфратузилма бирлашиши натижасида мустақамланади, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг штатдаги ходимлари сони тахминан 37%га қисқаради). Иккала туман Термиз шаҳрининг шимоли-ғарбида жойлашган, улар бирлашганларидан кейин умумий ҳудуди қарийб 59 минг гектарни ташкил этади, аҳолиси 136 минг кишидан ошади.

● «Табий монополиялар тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар темир йўлда ташиш ва тегишли инфратузилмадан фойдаланиш соҳасидаги субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга тааллуқли.

● «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга суғурталовчиларни лицензиялаш (қайта суғурталаш фаолиятига алоҳида лицензия талаб қилиниб, бу фаолият билан шуғулланувчи суғурталовчилар суғурта шартномаларини тузиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар) ва қайта ташкил этиш масалаларига доир аниқлик киритилади.

● Жиноят-процессуал кодексига хорижий давлатлар ҳудудидаги шахсларнинг қамоқда бўлган муддатини экстрадация қилиш тўғрисидаги сўровга кўра ҳисобга олиш борасида тузатиш киритилади. Бу ҳол айбланувчиларнинг ҳуқуқлари кафолатлари таъминланишига хизмат қилиб, бу борадаги миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштирилишига олиб келади.

● Депутатлар Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш имкониятини кўриб чиқмоқдалар. Хусусан, суд буйруғи чиқариладиган талаблар рўйхатига субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ коммунал қарзини ва алоқа хизматлари бўйича қарзни тўлаш талаби ҳам киритилиши мумкин.

● Божхона кодексига киритилаётган тузатишлар ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан давлат божхона хизмати органлари ўртасидаги божхона тўловларини божхона режимларига кўра қайтариш борасидаги тушунмовчиликлар ва низоли вазиятларни бартараф этишга қаратилган. Қонун лойиҳаси камида иккинчи ўқишда қабул қилинганидан кейин – асосий тушунчаларга бирмунча аниқлик киритилганда бу ҳақда батафсил сўз юритиш мумкин бўлади.

● Солиқ кодексига нафақат Савдо-саноат палатасига, балки унинг ҳудудий бўлиналари ҳам Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб – давлат божини тўлашдан озод қилган ҳолда даъво бериш имконини тақдим этиш мақсадида аниқлик киритилмапти. Бундан ташқари, давлат божини тўлаш ва ҳисобга киритиш тартибининг ўзига ҳам тузатиш киритилмоқда. Унга алоҳида ҳисобрақам очилиши эҳтимолдан йироқ эмас, бу ҳол ушбу суммаларни ҳисобга киритиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда уларни қайтариш таомилини соддалаштиради.

● Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларини бириктириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга текширилаётган субъектга текширув тугалланган куни унинг натижалари ҳақида далолатнома (маълумотнома) берилишини назарда тутувчи меъёр киритилиши мумкин. Шу тариқа, текширувлар расман тугаллангандан кейин уларнинг аслида давом этиши амалиётига барҳам берилади.

Юлия ЯШИНА,

«Норма маслаҳатчи»нинг махсус мухбири.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда ЯНГИЧА ХУЛОСАЛАР БЕРИЛАДИ

ТИАИСВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ДБК, ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 2010 йил 18 октябрда 1311-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақида»ги низомни тасдиқлаш тўғрисида қарор (рўйхат рақами 1311, 2004 йил 16 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган янги тахрирдаги Четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек компонентлар, хом ашё ва материалларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низом амалга киритилгани муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топилди.

2010 йил 28 октябрдан кучга кирди.

БОЖХОНАЧИНИНГ ХИЗМАТИ ҚИММАТЛАШДИ

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 18 октябрда 925-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувни бунинг учун мўлжалланмаган жойларда ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда амалга оширилган учун божхона йиғимларини ундириш тартибига (рўйхат рақами 925, 2000 йил 11 май) ўзгартириш киритилди. Унда белгиланишича, агар божхона расмийлаштируви бунинг учун мўлжалланмаган жойларда ва иш вақтидан ташқари 1 соатдан кам вақт давомида амалга оширилган бўлса, божхона йиғимлари божхона органи битта ходимининг бир тўлиқ иш соати учун ундирилади. Унинг микдори аввалгича қолганлигини таъкидлаб ўтамин: кундузги иш вақтида (9:00 дан 18:00 гача) – 5 евро, иш вақтидан ташқари вақт-

да (18:00 дан 9:00 гача), дам олиш ва байрам кунлари эса – божхона органи битта ходимининг ҳар бир иш соати учун 20 евро.

2010 йил 28 октябрдан кучга кирди.

РЕКЛАМАДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 18 октябрда 1024-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 1024, 2001 йил 6 апрель) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, энди рецепт билан бериладиган дори-дармон воситалари рекламасини оммабоп буюмларда (соатлар, тақвимлар, соябонлар, зажигалкалар, брелоклар, урналар, кулдонлар, ёзув-чизув куроллари, значоклар, идишлар, сувенирлар ва бошқаларда) жойлаштириш тақиқланади.

Шунингдек тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоголли ичимликларни реклама қилиш; бинонинг олд томонлари, кириш йўллари, витриналар, олиб чиқариладиган буюмлар ва бошқа савдо объектларида уларнинг тасвири, номлари ва улар ҳақида бошқа ахборотни ўрнатиш; теледастурларда видеоплашокларни қўйиш тақиқланади, бундан рекламанинг ўзи, шунингдек реклама ҳуқуқида эфирга чиқадиган дастур бериладиган вақт мустасно. Ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўзлар ва иборалардан фойдаланиш, маҳсулот давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш мумкин эмас. Рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки белгиланган маҳсулотга эга бўлиш уларда иштирок этишнинг шарт бўлган шунга ўхшаш бошқа тадбирни реклама қилишга доир талаблар белгиланди.

Бошқа оммавий ахборот воситалари учун теле-, радиодастурларни яратишда, материалларни тайёрлашда, ҳомийлар иштирокида театр-концерт, спорт

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 16 октябрдан 29 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 42-43-сон асосида тайёрланди.

ва бошқа тадбирлар ташкил этишда улар ҳақидаги ахборот бир марта теле-, радиодастур, аудиовизуал маҳсулотнинг бошида ва охирида жойлаштирилиши керак. Ҳомийлик ва ҳамкорлик баянлари «Дастур ҳомийси» ва (ёки) «Дастур ҳамкори» деган маълумотни ўз ичига олиши керак. Уларнинг телеканаллардаги хронометражи 5 секунддан, радиоканалларда – 20 секунддан ошмаслиги керак.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

2010 йил 28 октябрдан кучга кирди.

САЛБИЙ ОҚИБАТЛАР БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

Монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш давлат кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 29 октябрда 913-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Табий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларни харид қилиш ёки топширишга оид битимлар амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 913, 2000 йил 27 март) ўзгартириш киритилди. Хусусан, Кўмита (худудий орган) томонидан илтимоснома қондирилишини рад этиш асосларини тартибга солишга низомдаги салбий оқибатлар аниқлаштирилган. Чунончи, илтимосномада маълум қилинган ҳаракатлар: товарларнинг нархлари (тарифлари) ошишига, шу жумладан бир вилоят ҳудуди доирасида уларнинг кескин фарқланишига; чамбарчас боғлиқ технологик тизимнинг бузилишига; товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) ва хизматлар кўрсатишнинг тўхтатилиши ва (ёки) узилишига; товарлар ишлаб чиқариш ва кўрсатилаётган хизматлар (реализация қилиш) ҳажмларининг камайишига; истеъмолчиларнинг алоҳида гуруҳини нарх жиҳатидан дискриминация қилишга; тегишли товар бозорининг табиий монополия ҳолатидан рақобатбардош бозор ҳолатига иқтисодий жиҳатдан асосланган ўтишни тўхтатиб туришга олиб келиши мумкин бўлган тақдирда Кўмита (худудий орган) рад этишга ҳақли.

2010 йил 8 ноябрдан кучга кирди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	3.11.2010	1	0,8003	1	1,1216	1	0,026
Арманистон	3.11.2010	1	359,11	1	504,41	1	11,68
Беларусь	4.11.2010	1	3020,00	1	4239,48	1	98,14
Грузия	4.11.2010	1	1,7706	1	2,4873	1	5,7541
Қозоғистон	4.11.2010	1	147,65	1	207,26	1	4,80
Қирғизистон	4.11.2010	1	46,791	1	64,6403	1	1,5184
Латвия	4.11.2010	1	0,502	1	0,702804	1	0,0163
Литва	4.11.2010	1	2,4608	1	3,4528	10	8,001
Молдова	3.11.2010	1	11,7808	1	16,4748	1	0,3829
Тожикистон	3.11.2010	1	4,3889	1	6,1258	10	1,4362
Ўзбекистон	2.11.2010	1	1627,64	1	2264,21	1	52,88
Украина	3.11.2010	100	791,87	100	1110,0434	10	2,5715
Эстония	3.11.2010	1	11,1411	1	15,6466	1	0,362254

Манба: www.prime-tass.ru

**УШБУ
СОНДА:**

- ✓ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА
 - Қандай ўзгартиришлар кутилмоқда
 - Танишинг – Oxfam Novib
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - Валюталар курси 1-2-бетлар

- ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ
 - Суғурта бадалларини тўлашда тежа-манг
 - Онанинг стажига 6 йил қўшилади 3-бет
- ✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

- Банк янглиштирганда
- Интернет-дўкон оддий дўкон эмас 4-бет
- ✓ АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
 - Ортиқча оворагарчилик бўлмаслиги учун

- Ҳисоблаб ёзиб, ўзингизга қолди-ринг 5-бет
- ✓ POST SCRIPTUM
 - Эксперт бировни айбламайди, ҳимоя этмайди ҳам 6-бет
 - ✓ top 7-8-бетлар

СУГУРТА БАДАЛЛАРИНИ ТЎЛАШДА ТЕЖАМАНГ

? Мен якка тартибдаги тадбиркорман, Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 1 бараварига тенг суғурта бадалини ўтказаман. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун пенсияни ҳисоб-китоб қилиш тартибини тушунтириб берсангиз. Энг кўп миқдордаги пенсия олиш учун Пенсия жамғармасига ЭКИХнинг неча бараварини ўтказиш керак?

В. Карюкин.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон, бундан кейин – Қонун) 25-моддасига биноан, пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

– иш стажининг базавий (таянч) миқдори; иш стажининг учун пенсиянинг оширилиши; пенсияга қўшилаётган устама ҳақлар.

Ёшга доир тўлиқ пенсиянинг базавий миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизини ташкил қилади, бироқ у расман белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Иш ҳақининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ходимлар тоифалари рўйхатига юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар киради (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 8-илова). Тадбиркор давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш билан бир пайтда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадал тўловчи сифатида давлат ижтимоий суғуртасига тортиладиган шахсга айланади (Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фа-

олияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартибининг 2-банди). Буларни тўлаб борган тадбиркор давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Тадбиркор ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланиш ва ижтимоий суғурта бўйича нафақанинги ўзи истайдиган миқдоридан келиб чиқиб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайди, бироқ у бир ойда ЭКИХнинг бир бараваридан кам бўлмаслиги керак. I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган тадбиркорлар учун эса тўлов кунда белгиланган ЭКИХнинг 50%идан кам бўлмаслиги керак.

ЭКИХнинг 1 баравари миқдоридан суғурта бадаллари тўланганида пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун даромадни ва пенсиянинг базавий миқдорини ҳисоб-китоб қилиш (ҳисоб-китоб мисол тариқасида келтирилмоқда, чунки амалиётда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш чоғида тузатувчи коэффициентлар қўлланади):

Энг кам иш ҳақи 45 215 сўмни² ташкил этади. 2010 йилда³ ягона ижтимоий тўлов ставкаси (иш берувчилар учун) меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 25%; мажбурий суғурта бадаллари ставкаси (иш берувчилар учун) иш ҳақининг 4%и миқдоридан белгиланган. Суғурта тўловларининг жами фоизи қуйидагига тенг: 25% + 4% = 29%.

¹ВМнинг 2001 йил 24 августдаги «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида» 351-сон қарорига 1-илова.

²Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармони билан 2010 йил 1 августдан белгиланган.

³Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПФ-1245-сон қарори.

Реклама

Эксперт маълумотнома тизими
ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР

- Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларнинг пенсия таъминоти хусусиятлари.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмлари.
- Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.
- Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
- Пенсия ва нафақаларни ҳисоблашга мисоллар.
- Ижтимоий таъминотта доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

Харид қилиш учун манзил:
Тошкент ш., М.Улугбек тум., Х.Олимжон майд. 10А. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: norma.uz

ОНАНИНГ СТАЖИГА 6 ЙИЛ ҚЎШИЛАДИ

? 1. Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари сўнгги 10 йилнинг ҳаммаси учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани талаб қилишга ҳақлимилар?

2. Агар икки фарзанднинг ёши ўртасидаги фарқ 2 йилу 9 ойни ташкил этса, онанинг гўдаклик ёшидаги болаларини парваришлаш учун кетган вақти стажга қанча деб қўшиб ҳисобланади?

Т.Букина.

– 1. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон, бундан буён – Қонун) 31-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади. Амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи мурожаат этувчи томонидан танланган 5 йиллик даврда меҳнат фаолияти амалга оширилган корхоналардан олинган маълумотномалар асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Одатда, пенсия тайинлаш бўйича мурожаат этувчи кишининг унга пенсия тайинланиши лозим бўлган 5 йиллик «энг манфаатли» даврни танлаши осон эмас. Шунинг учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларининг ходимлари мурожаат этувчиларга ёрдамлашиш мақсадида охириги 10 йилдаги иш ҳақи маълумотномаларини тақдим этишни сўрашади, бу билан улар мурожаат этувчи киши учун даромадлари манфаатлироқ бўлиши эҳтимоли кўпроқ бўлган муайян 5 йиллик даврни мустақил ҳисоблаб чиқиш ва тавсия этишни кўзлашади. Лекин мурожаат этувчи ўз

танловида қатъий туриб олиб, уни ўзгартиришни истамаса, ундан бошқа даврдаги маошлари ҳақида маълумотнома талаб қилиш тўғри эмас.

Бироқ, ўз танловида қатъий ишонч бўлган тақдирда ҳам ҳар ҳолда охириги 10 йил учун маълумотнома тақдим этиш тавсия этилади, токи бўлим ходимлари барча маълумотларни яхшилаб текшириб олишсин, зеро амалдаги ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун 5 йиллик даврни сиз фақат бир марта танлай оласиз.

2. Қонун 37-моддасининг биринчи қисми «ж» бандига мувофиқ, онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ушбу даврни стажга киритиш бўйича амалиётда англашмовчиликлар бўлиб туришини инобатга олиб, ушбу савол билан биз Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат этдик ва у ердан қуйидагича жавоб олдик: «Сизнинг ҳолатингизда пенсияни тайинлашда иш стажига 5 йилу 9 ой ҳисобланади, бундан 2 йилу 9 ой (иккинчи фарзанднинг туғилишига қадар) биринчи фарзанд парвариши учун кетган вақт ҳамда 3 йил – иккинчи фарзанд парвариши учун кетган вақт».

Бундан ташқари, ушбу хатда эгизаклар туғилган тақдирда икки фарзанд учун стажга 3 йил қўшилади, сабаби иккала

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмаган муайян ой учун тадбиркорнинг даромади тўланган ойлик суғурта бадаллари суммасини қонун ҳужжатлари билан белгиланган иш берувчилар ва ходимлар учун суғурта бадаллари ажратмаларининг жами фоизига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ойлик даромадини ҳисоблаб чиқамиз:
 $45\,215 / 29 \times 100 = 155\,913,79$ сўм.

Пенсиянинг базавий миқдори ўртача ойлик даромаддан келиб чиқиб ҳисобланади, у ариза берувчи танлаган 5 йил мобайнида кетма-кет келувчи 60 ой учун ҳисоблаб чиқарилган даромадлар суммасини 60 га бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисоб-китоб мисол тариқасида бўлгани учун, амалдаги ЭКИХдан келиб чиқамиз ва ўртача ойлик даромад кўрсаткичи сифатида $155\,913,79$ сўмни оламиз. Ушбу суммадан пенсия ҳисоб-китобини амалга оширамиз.

Пенсиянинг базавий миқдори $85\,752,58$ сўмни ($155\,913,79 \times 55\%$) ташкил этади. Унга энг кам стаждан ортиқ ишланган ҳар бир йил учун 1%дан кўшиш керак бўлади (қуйига қаранг).

Агар тадбиркор пенсиянинг ҳисоб-китоб қилинишига таъсир кўрсатадиган даромадини оширмакчи бўлса, Пенсия жамғармасига суғурта ажратмалари суммасини ошириши керак. Қонуннинг 31-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ЭКИХнинг 8 бараваридан ортиқ бўлмаган иш ҳақи, яъни $361\,720$ сўм ($45\,215 \times 8$) қабул қилинади. Шу сабабли пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган эҳтимолий энг катта даромаддан пенсия миқдори ҳисобланиши учун якка тартибдаги тадбиркор ойига ўртача ЭКИХнинг 2,5 бараварига тенг суғурта бадалларини меҳнат фаолиятининг сўнгги 10 йилдан исталган 5 йили давомида кетма-кет (пенсия ҳисобланишини сўраб мурожаат қилган кишининг танловида кўра) тўлаши лозим.

ЭКИХнинг 2,5 баравари миқдоридан суғурта бадаллари тўланганида пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун даромадни ва пенсиянинг базавий миқдорини ҳисоб-китоб қилишга мисол:

$45\,215 \times 2,5 = 113\,037,5$ сўм – бир ойлик суғурта бадаллари суммаси;
 $113\,037,5 / 29 \times 100 = 389\,784,48$ сўм – якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади.

$389\,784,48$ сўм $361\,720$ сўмдан кўп бўлгани сабабли пенсиянинг базавий миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун $361\,720$ сўм қабул қилинади.

$361\,720 \times 55\% = 198\,946$ сўм – пенсиянинг базавий миқдори.

Иш стажини учун пенсиянинг оширилиши Қонуннинг 27-моддаси билан тартибга солинади. Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун (масалан, эркаларга 60 ёшга тўлганларидан кейин камида 25 йиллик, аёлларга 55 ёшга тўлганларидан кейин камида 20 йиллик стаж талаб этилади) пенсияларнинг базавий (таянч) миқдорлари қуйидагича оширилади:

а) ёшга доир пенсиялар – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари – 1 фоизи миқдоридан;

в) III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари – 0,5 фоизи миқдоридан;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун – боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдоридан оширилади.

МИСОЛ. Бўлғуси ёшга доир пенсионернинг стажини 35 йилни ташкил этади (улардан 20 йилида корхоналарда ишлаган, 15 йилида якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритган). Ариза берувчи танлаган 5 йиллик даврда якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳар ойда ЭКИХнинг 2,5 баравари миқдоридан ажратган. Тадбиркорнинг ҳисоб-китоб қилинадиган ўртача ойлик даромади $389\,784,48$ сўмни ташкил этади, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун эса $361\,720$ сўмдан кўп бўлмаган даромад олинади. Пенсиянинг базавий миқдори – $198\,946$ сўм. Бу ҳолда 10 йил талаб этилганидан ортиқ стаж бўлгани учун ариза берувчи пенсиянинг базавий миқдорини даромадининг 10 фоизига ошириш ҳуқуқига эга:

$361\,720 \times 10\% = 36\,172$ сўм – талаб этилгандан ортиқ стаж учун пенсиянинг базавий миқдорига қўшимча;

$198\,946 + 36\,172 = 235\,118$ сўм – пенсия миқдори.

Пенсияларга устамалар Қонуннинг 28-моддасида қайд этилган.

Масалан, кўриш бўйича I гуруҳ ногиронлари ЭКИХнинг 100 фоизи миқдоридан устама олиш ҳуқуқига эга.

$235\,118$ (пенсиянинг базавий миқдори + стаж учун қўшимча) + $45\,215$ (устама) = $280\,333$ сўм – устама қўшилган пенсия миқдори.

бола ҳам 3 ёшга бир вақтда тўлади деб кўрсатилган.

Шунингдек, қуйидагилар ҳисобга олинмаган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда онанинг болаларини парваришлаш вақти қўшиб ҳисобланишини билиш зарур; фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

идоровий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-қўтқарув қисмларидаги хизмат; якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда.

Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-бандига биноан, онанинг гўдак болаларга тарбия берган вақти боланинг туғилганлигини ва унинг 3 ёшга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспортдан кўчирма, вафот этганлик ҳақидаги гувоҳнома, маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой ташкилотлари) фуқаролар йиғинининг маълумотномаси) бўйича аниқланади (ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова).

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

Суд ҳукми қилади

БАНК ЯНГЛИШТИРГАНДА

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

Банк қўшма корхонага кредит берди. У олинган пул маблағларига ЁАЖдан ускуна сотиб олди. Кейинроқ ҚК хўжалик судига кредит шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида банкка нисбатан даъво билан мурожаат қилди.

Биринчи инстанция суди даъво талабларини қондирди. Апелляция инстанцияси ушбу қарорни ўзгартишсиз қолдирди. Бунга қўшилмаган банк Олий хўжалик судига суд ҳужжатларини бекор қилиш ва янги ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисида кассация шикоятини билан мурожаат қилди.

Қўшма корхонанинг позицияси

Кредит шартномаси ҳақиқий эмас деб топилгани керак, чунки уни тузиш чоғида банкнинг мансабдор шахслари харид қилинаётган ускунанинг олди-сотди шартномаси шартлари ва техник паспортда кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ эмаслигини билганлар.

Банкнинг позицияси

Даъвогар харид қилган ускунанинг ишламаслиги кредит шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланмайди.

Суднинг қарори

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

олди-сотди шартномасига кўра ЁАЖ ҚКга ускуна сотиш, уни демонтаж қилиш, янги ишлаб чиқариш майдонларига кўчириш, уни монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш мажбуриятини олган;

ускунани харид қилиш учун ҚК банкдан кредит олган;

кейинроқ маълум бўлишича, ускуна олди-сотди шартномасида кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ келмаган;

олди-сотди шартномаси ва кредит шартномасини тузиш чоғида банк ходимлари уларни тузишдан бевосита манфаатдор эканликларини намойён этганлар, улар ускунанинг ишга яроқсиз ҳолатда эканлигини олдиндан билишган. Мазкур далил жиноий ишлар бўйича суднинг ҳукми билан аниқланган.

Кассация ҳайъати қонун ҳужжатларининг

қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни белгилади:

Фуқаролик кодекси (ФК) 122-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ кредит шартномасини тузиш ҳақиқий эмас деб топилгани мумкин, чунки ҚК раҳбари ускунанинг ишга яроқлиги бобида янглиштирилган;

Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) 60-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларига кўра ҚК раҳбарини ускунанинг самарадорлиги хусусида янглиштириш далили қўшимча исботлашни талаб қилмади, чунки бу жиноий ишлар бўйича суднинг ҳукми ва хўжалик судининг қонуний кучга кирган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори билан белгиланган.

Юқорида баён этилганларга асосан ҳамда ХПКнинг 187 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдирди, кассация шикоятини эса қондирмади.

ШАРҲ

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш чоғида янглишиш, алдаш, зўравонлик, таҳдид, бир тараф вакилининг бошқа тараф билан ёмон ниятдаги келишуви ҳамда оғир ҳолатларнинг ўзаро тўғри келиши сингари тушунчаларни чегаралаб олиш керак.

Алдаш деганда бир тарафнинг бошқа тарафни амалга оширилаётган битим тақозо этаётганидан бошқа нарсага, аввал-бошдан бошланиши мумкин бўлмаган хусусияти ва оқибатлари ҳақида ишонтаришга уринишини тушуниш керак. Алдаш битимнинг ўз элементларига ҳам, ундан ташқарида бўлган ҳолатлар, агар улар шартнома иштирокчисининг хоҳишини шакллантириш учун аҳамиятга эга бўлса, уни содир этиш мотивларига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Иштирокчига (унинг яқинларига) уни битимни амалга оширишга мажбур қилиш учун жисмоний ёки руҳий қийноқ-азоблар етказиш зўравонлик ҳисобланади. У ноқонуний, бироқ албатта жиноий жазоланмаган ҳаракатлар ҳисобланмаган ҳаракатларда ифодаланиши керак. Масалан, хизмат мавқеидан фойдаланиб, тарафнинг иродасига таъсир ўтказиш.

Таҳдид – битим иштирокчисининг иродасига руҳий таъсир кўрсатиш, таҳдид уни ўзи учун очикдан-очиқ манфаатли бўлмаган битимни амалга оширишга мажбур қилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ушбу асос бўйича битимни ҳақиқий эмас деб то-

пишнинг зарур шarti бўлиб таҳдиднинг муҳимлиги ва реаллиги ҳисобланади.

Ёмон ниятдаги келишув деганда битим тарафларининг вакиллари ўртасидаги ахдлашувни тушуниш керак, бунинг натижасида у битимнинг бирор-бир тарафи учун манфаатли бўлмаган шартларда амалга оширилади.

Оғир ҳолатларнинг ўзаро тўғри келиши чоғида битимни амалга ошириш деганда уни ўзи учун гоёта бефойда деб биладиган, бироқ шундай қилишга мажбур бўлган битим иштирокчиларидан бири содир этган битимни тушуниш керак. Бу қуйидаги икки шарт мавжуд бўлганида битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин:

а) бундай ҳолатлар таъсири остида гоёта бефойда шартларда битим тузиш;

б) бошқа тарафнинг шу ҳолатлардан фойдаланганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳаракатлари мавжудлиги (битимни тузишнинг ўзи уларга кириши мумкин).

Янглишиш таъсирида амалга оширилган битим деганда тарафларнинг ҳақиқий иродасини акс эттирмайдиган, улар битимни тузиш вақтида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларга олиб келишга қодир бўлмаган битимни тушуниш керак (Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Битимларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларининг меъёрларини қўллаш муносабати билан суд амалиётида вужудга келадиган баъзи масалалар тўғрисида» 17-сон қарори

Реклама

ORMA Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Юридик маслаҳат

Мен интернет-дўконни расмийлаштириш ва уни ишга тушириш тўғрисидаги ахборотдан тўлиқроқ хабардор бўлмоқчи эдим. Республикаимизда уни қандай очса бўлади, у оддий дўкондек очиладими? Бунинг учун яқка тартибдаги тадбиркор бўлиш кифоями ёки яхшиси фирма очган маъқулми?

Владимир.

– Биринчидан, бизда товарларга электрон тўлов тизимлари воситасида ҳақ тўлаш деярли ривожланмагани ва интернет-дўконнинг мижозлари товарлар учун бевосита сайтдан, масалан, Webmoney орқали ёки ўзларининг банк аккаунтида ҳисоб-китоб қила олмасликларини инobatга олишингиз лозим. Шу тарихи, интернет-дўконнинг сизнинг товарларингиз ва уларнинг нархлари каталоги жойлаштирилган Интернет тармоғидаги сайтдан бошқа нарса бўлмайди. Бўлғуси харидорларингиз ўзларига керак бўлган товарни танлагач, офисингизга уни харид қилиш учун келишлари, нақд пул билан ёки тўлов терминалингиз бўлса, пластик карточка орқали ҳақини тўлашлари керак бўлади. Юридик шахслар эса нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўловни амалга оши-

радилар. Шунингдек сиз етказиб бериш хизмати ташкил этиб, товарларни бевосита мижозларга қўшимча ҳақ эвазига элиб беришингиз мумкин.

Иккинчидан, интернет-дўкон очиш ва электрон тижорат билан шуғулланишдан аввал қуйидаги қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқишингизни тавсия этамиз:

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун (2004 йил 29 апрелдаги 613-II сон);

Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2007 йил 30 январдаги 21-сон);

Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2007 йил 12 июндаги 120-сон);

Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом (ТИА-ИСВ, ДБҚ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

¹МЧЖ ва ХКни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон), «Хусусий корхона тўғрисида»ги (2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон) қонунлар билан танишиб ёки «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимига кириб батафсилроқ билиб олиш мумкин.

²Ўзбекистон Республикаси банкларида очилмаган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома (МБ бошқарувининг АВ томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) ўқиб тўлиқроқ маълумот оласиз.

³ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган.

⁴НКМ ҳақида Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида низом (МБ, ДСҚ, МБ ва АВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган) орқали тўлиқроқ танишиш мумкин.

⁵МБ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ИНТЕРНЕТ-ДЎКОН ОДДИЙ ДЎКОН

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан буён – Қонун) 3-моддасига биноан, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир. Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди (Қонун 5-моддасининг иккинчи қисми).

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, хусусан, Интернет тармоғи орқали савдо қилиш учун қонунчиликка биноан яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ёки юридик шахсни ташкил этиш, масалан, масъулияти чекланган жамият ёхуд хусусий корхона ташкил этиш лозим¹.

Рўйхатдан ўтиш вақтида сиз банкда ҳисобварақ (талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи) очасиз, у товарларни интернет-дўкон орқали нақд пулсиз тўлов асосида сотишингизда қўлланилади. Бунинг учун сиз ўзингиз танлаган банкка (рўйхатдан ўтган жойингизга қараб) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим:

қонунчиликдаги белгиланган тартибда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи яқка тартибдаги тадбиркорга яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (агар сиз яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан

ўтишга қарор қилсангиз ва товарларни тижорат фаолияти учун хориждан олиб келадиган бўлсангиз);

имзолар намуналари ва муҳр изи кўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки донна варақча;

таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари (агар сиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик шахсни рўйхатдан ўтказсангиз);

мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрни босадиган ҳужжат) шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилганда, сўнг, банк томонидан унинг нусхаси қабул қилинади.

Қоида тариқасида, кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 иш куни давомида (улар белгиланган талабларга тўлиқ мувофиқ келган тақдирда) банк сизга ҳисобварақ очади².

Савдони нақд пулда амалга ошириш учун сиз назорат-касса машинаси олишингиз ва сиз тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органларида уни рўйхатдан ўтказишингиз лозим. Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг³ 21-банди биринчи хатбошисига биноан, товарлар учун харидорлар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналари қўлланилган ҳолда амалга оширилади⁴. Шунингдек, сиз дўконингизда тўлов терминали ўрнатиб, товарлар учун тўловни пластик тўлов карточкалари воситасида қабул қилишингиз мумкин. Бунинг учун сизга хизмат кўрсатаётган банкка ёзма тарзда мурожаат қилишингиз лозим бўлади. Тўлов терминаллари

10-бандининг иккинчи хатбошиси). ФК 122-моддасининг иккинчи қисмига кўра, битимнинг табиати, унинг нарчасининг ўз вазифаси бўйича фойдаланиш имкониятини анча пасайтирадиган ўхшашлиги ёки тартиби ҳақидаги янглишиш мазкур асос бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, товарнинг русуми хусусида янглишиш, стандартларга, шунингдек шартнома шартларида назарда тутилган ускуна ва бошқа механик қурилма (асбоб)нинг унумдорлиги ва ҳоказолар тўғрисидаги талабларга мувофиқ эмаслик муҳим ҳисобланади. Бироқ битим мотивлари бобда янглишиш муҳим аҳамиятга эга эмас ва уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланмайди.

Товарнинг муайян талабларга мувофиқ эмаслигини ўлчов асбобларининг маълумотлари, техник паспорт ва ускунанинг (асбобнинг) ҳақиқий ишлаш қобилияти ва ҳоказо исботлаши мумкин. Бундан ташқари, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ҳукми билан белгиланиши мумкин. Кўрсатилган асос бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топиш вазифаси даъвогар зиммасига юкнади.

ФК 113-моддасининг биринчи қисмига кўра, битим суднинг ҳал қилув қарори асосида ҳақиқий эмас деб топилади. Ушбу ҳолда мазкур битимнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғланган барча қиёбатлар ҳам ҳақиқий эмас деб топилади. Битим эса у содир этилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Масалан, агар суд олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топса, унга асосан харидорга берилган товар қайтарилиши керак. Бошқа мисол: агар қарз шартномаси ёки бошқа хил шартнома ҳақиқий эмас деб топилган, бироқ унга доир мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш сифатида кўчмас мулк алоҳида шартнома бўйича гаровга берилган бўлса, у қайтарилиши, гаров шартномаси ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд амалиётини «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими таҳлил қилди.

ЭМАС

билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг⁵ 5-бандига биноан, тижорат банклари тўлов терминалини ажратиш бўйича мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тўлов терминалларини ажратади. Савдо объектларининг ўзларида мавжуд бўлган тўлов терминалига дастурий таъминотни ўрнатиш юзасидан қилинган мурожаатлар бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқилади. Тўлов терминаллари билан жиҳозланган савдо объектлари тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиб борилади.

Агар сиз ўз товарларингизни улгуржи сотмоқчи бўлсангиз, улгуржи савдо қилишга лицензия олишингиз керак бўлади. Бундай савдо Амалга оширилишига лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхатида (ВМнинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан тасдиқланган) киради. Бунда шуни назарда тутиш керакки, Улгуржи савдони амалга ошириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг (ВМнинг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) 3-бандига кўра кўрсатилган фаолият тури билан фақат юридик шахслар шуғулланишлари мумкин. Агар сиз яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтсангиз, улгуржи савдо фаолиятини юрита олмайсиз.

Ҳар бир юридик шахс (ёки яқка тартибдаги тадбиркор) сингари сизнинг интернет-дўконингиз ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиши ҳамда тегишли солиқ ва статистика органларига ҳисобот топшириши керак.

Артём АДЕЕВ, «Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИК БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

? Халқ банкига 2010 йил I чораги учун ШЖБПХга бадаллар бўйича реестрларни ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатмаси ва тўлов тўланганлиги ҳақида тўлов топшириқномалари нусхаларини илова қилган ҳолда топшираётганимда мендан ҳисоботни қабул қилишдан бош тортишди. Банк ходимлари бевосита ҳисоблаб ўтказган суммага реестрларни тақдим этишимни талаб қилишди.

2010 йил 1 январь ҳолатига кўра Халқ банки олдида кредиторлик қарзим бор эди. Бу ҳақда январдаёқ ҳисобот берганман, уни I чоракда узиб, апрелда олдиндан ҳақ тўлаганман.

Мен кредиторлик қарзи суммасига 2009 йил декабрь ойи, 2010 йилнинг I чораги учун реестрларни ҳамда апрель ойи учун реестрнинг бир қисmini қайта тақдим этишим шарт эдимми? Бундай вазиятларда қандай йўл тутиш керак?

З.Одилова, Янгийўл шаҳри.

– Иш берувчи корхоналар ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15 кунигача ҳар ойда ўзлари жойлашган жойдаги Халқ банки филиалига ходимларнинг ШЖБПХга бадаллар реестрини тақдим этишлари шарт. Мазкур тартиб Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низом* ва Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва

тўлаш тартиби тўғрисидаги низом** билан белгиланган.

Реестрда ҳар бир ходим бўйича иш ҳақи (ШЖБПХга ажратмалар солиш базаси), ҳисобот ойда ҳисоблаб ёзилган ва Халқ банкига ўтказилган ШЖБПХга ажратмалар суммаси кўрсатилади. Реестр фақат ҳисобот ойи маълумотларига кўра, яъни ўсиб бормайдиган яқун билан тўлдирилади. ШЖБПХга бадаллар тўланганини тасдиқлаш учун иш берувчи реестр билан бирга тегишли сумма Халқ банкига ўтказилганлиги тўғрисида тўлов топ-

шириқномасининг нусхасини тақдим этади. Шу тариқа, январь ойи учун ШЖБПХга бадаллар реестрида куйидагилар кўрсатилади:

ходимларнинг январь ойдаги ШЖБПХга бадаллар ҳисоблаб ёзилган даромадлари;

январь ойдаги даромадлардан ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган бадаллар суммаси (ҳар бир ходим бўйича расшифровка билан);

январь ойи учун Халқ банкига ўтказилган ШЖБПХга бадаллар суммаси.

Февраль ойи учун реестрда, тегишинча, февраль ойи яқунлари бўйича даромадлар ва ШЖБПХга бадаллар суммалари, март ойи учун март ойдаги маълумотлар кўрсатилади ва ҳ.к.

Шунингдек ШЖБПХга бадал-

лар бўйича бўнак тўловлари (олдиндан тўлов) амалга оширилмаслигини билишингиз лозим. ШЖБПХга бадаллар суммаси ҳисобот ойдаги (масалан, январь ойдаги) жисмоний шахсининг ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган солиқ солинадиган даромадларидан келиб чиқиб, шу ой учун жисмоний шахсининг даромадларига солинадиган солиқни бюджетга тўлаган ҳолда Халқ банкига ўтказилади (ўтган ой учун иш ҳақи тўлашга пул маблағлари олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бирга).

Сиз тўқнаш келган вазиятга тушмаслик учун ШЖБПХга бадаллар тўлаш ва улар бўйича реестрларни тақдим этишнинг белгиланган тартибига риоя этиш лозим.

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ҲИСОБЛАБ ЁЗИБ, ЎЗИНГИЗГА ҚОЛДИРИНГ

? Жазони ижро этиш колонияси бюджет ташкилоти бўлиб, асосан республика бюджетни томонидан маблағ билан таъминланади. Жазо муддатини ўтаётган маҳбусларнинг меҳнатга бўлган муносабатини шакллантириш, шунингдек улар ишлаб топган даромадларни ушлаб қолиш йўли билан давлатга ва фуқароларга етказган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун колония ҳузурида алоҳида юридик мақомаг эга бўлмаган ишлаб чиқариш сектори ишлайди.

Унинг даромадлари бюджет ташкилотининг қўшимча манбалардан олинган даромадлари ҳисобланади. Сектор Давлат регистрида хўжалик юритувчи субъект сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги сабабли умумбелгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаб келарди.

Бугунги кунда мазкур ҳолат қайта кўриб чиқилиб, колония Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод этилган (бундан ЯИТ ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, шунингдек даромад солиғи мустасно).

1. 414-сон қарорнинг 4-бандига мувофиқ солиқларни тўлашдан озод этилган бюджет ташкилотлари қўшимча манбалардан олинган даромадлар бўйича солиқларни умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзишлари ҳамда бунда ҳар бир солиқ ва йиғимнинг ҳисоб-китобида уни тўлашдан озод этилганлигини кўрсатган ҳолда солиқ органларига ҳисобот топширишлари шартми?

2. Реализация қилинган (жўнатилган) товарлар (кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактурада ҚҚС кўрсатиладими ёки «ҚҚСсиз» муҳри қўйиладими (ёзуви қайд этиладими)?

А.Хусанов, бош бухгалтер.

– 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» қарорининг (1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон) 4-бандига мувофиқ, қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2015 йил 1 январгача давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан, шунингдек бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган. Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан куйидаги даромадлар озод этилган:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан; бюджет ташкилотлари томонидан вақтин-

МИСОЛ. Барча турдаги солиқлар, мажбурий ажратмалар ва йиғимларни тўлашдан озод этиш кўринишида имтиёзни қўлловчи бюджет ташкилоти асосий фаолият тури бўйича ўзи ишлаб чиқарган 1 000 дона буюмни (махсус кийим-бошни) бошқа корхонага сотди. Маҳсулот битта бирлигининг қиймати – 12 500 сўм (ҚҚСсиз).

Мазкур вазиятда маҳсулотни сотишда ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисми куйидагича тўлдирилади:

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати (сўм)	Акциз солиғи		ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати (сўм)
					ставка (%)	сумма (сўм)	ставка (%)	сумма (сўм)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Махсус кийим-бош	дона	1 000	12 500	12 500 000	Акциз солиғисиз		20	2 500 000	15 000 000
Жами тўловга: ўн беш миллион сўм				12 500 000				2 500 000	15 000 000

Ҳисобварақ-фактурада ажратилган ҚҚС суммаси бюджетга тўланмайди, балки мақсадли вазифаларни бажаришга (яъни моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлаш, шунингдек ходимларни рағбатлантиришга) йўналтирилади.

*МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган тахрирда.

Жавобларни «Norma Ekspert» мутахассислари тайёрладилар.

Криминалист эксперт ён дафтарида

ЭКСПЕРТ БИРОВНИ АЙБЛАМАЙДИ, ҲИМОЯ ЭТМАЙДИ ҲАМ

Баъзилар эксперт кимнидир айблашга ёки ҳимоя этишга ёрдам беради деб ўйлайдилар. Лекин бу ҳақиқатдан анча йироқ нарса. Эксперт ўз фаолияти билан бор ҳақиқатни ва текшириладиган иш билан боғлиқ, чиндан ҳам содир бўлган ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Шундан кейингина ваколатли мутахассислар – терговчи ёки судья муайян шахс айблилиги даражасини ва у қандай жазо чорасига лойиқ эканлигини белгилайди.

Қонунга кўра илм-фан, техника, санъат ва ҳунармандчиликнинг муайян соҳаси билимдони эксперт бўлиши мумкин. Унинг вазифаси ўзидаги бор махсус билим ва тажриба ёрдамида муайян жиноят иши ёки фуқаролик иши бўйича тергов ва исботлаш учун аҳамиятли масалаларни ҳал этишда терговга кўмаклашишдан иборат. Экспертнинг хулосаси ҳолис, далилланган ва илмий асосланган бўлиши, тергов қайси йўналишда бораётганлигига мутлақо боғлиқ бўлмаслиги керак.

ХОЛИСЛИК билан қарор қабул қилишга кўмаклашишга тааллуқли бир ибратли мисол ёдга тушади. Тошкент вилоятида пиёда машина уриб юбориши ўлим билан яқун топган жиноят иши ўрганилаётганда ҳалок бўлганнинг кийими, марҳум танасининг суд-тиббий экспертизаси хулосаси, шунингдек бу кулфатга сабаби деб гумон қилинадиган автомобиль ва унинг ҳайдовчиси экспертизага олиб келинди.


Йўл-транспорт ҳодисаси тунда содир бўлганлиги сабабли гувоҳлар йўқ эди, «Нексия» машинаси ҳайдовчиси кимнидир босиб кетганлигини рад этмагани ҳолда йўлда бораётган пиёда уриб-туртиб юбормаганман деб қатъий туриб олган эди. Қоронғи, ёритилмаган кўчада олдинда кимдир ётганлигини кеч пайкаб қолиб, тормозни босган бўлса-да, ётган жасадни машина босиши олдини ололмаган экан.

Ростини айтганда, пиёда икки шу автомобиль уриб юборганлиги тергов ишини осонлаштиради. Зотан бунда бировни уриб юбориб уни хатарли ҳолатда ташлаган кўйи воқеа жойидан яширинган бошқа машина ҳайдовчисини қидиришга ҳожат қолмасди. Лекин терговчи терговни холислик билан олиб бораётганлиги сабабли барча зарур экспертизаларни тайинлашни лозим топган.

Таассуфки, «Нексия» ҳайдовчиси ҳам фалокат рўй берган жойдан кетиб қолган ва уни эртаси куни топишган. Шу сабабли унинг кўрсатувларини алоҳида эътибор билан текшириш талаб қилинарди, зотан автомобиль сиртидаги урилганлик изларини бартараф этишга унда имкониёт бўлган.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришда тергов гуруҳи фара ойнаси синиқларини ва оқ рангдаги қўлбола лак-бўёқ қопламасининг анчагина катта парчаларини топган экан (қайд этиш лозимки, «Нексия»нинг ранги ҳам оқ эди). Ҳалок бўлганнинг кийимини текшириш асносида унинг шимида синган фарага урилганлик белгилари ва оқ бўёққа ишқаланганлик аломатларини аниқладим. Суд-тиббий экспертиза хулосасига қараганда, ҳалок бўлганнинг оёғида урилганлик излари, шунингдек автомобилнинг ост қисмида эзгиланганлик белгилари бор экан.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги бўёқ парчалари билан «Нексия»нинг бўёғи қиёсий текшириб кўрилганда, уларнинг ранги ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилиши маълум бўлди. Бунинг устига текшириладиган автомобилда фалокат содир бўлган жойда топилган йирик бўёқ парчалари ўрни йўқ эди. Фаранинг нур узаткичлари



бутун бўлиб, яқинда алмаштирилганлик аломатларидан холи эди. «Нексия»нинг туртиб чиққан қисмининг олд ва ён тарафида тик ҳолатдаги пиёда уриб-туртиб юборганлик белгилари топилмади. Аммо машинанинг ост қисми деталларида йўлда узала ётган киши танасини эзгилаб ўтиш аломатлари билиниб турарди. Автомобилда яқин орада бирон-бир таъмирлаш излари, айтайлик, пачоқ жойни уриб тўғрилаш, машинанинг бирон жойини ёки унинг ўзини тўлиғича мойлаш аломатлари йўқ эди.

Шундай қилиб, кийим ва автомобилни текшириш ҳамда марҳумнинг танасини суд-тиббий текшириш маълумотларини ўрганиш жабрланувчи тик ҳолатда кетаётганда уни оқ рангдаги, аммо бутунлай бошқа автомобиль уриб кетганлиги аниқланди. «Нексия» ҳайдовчиси эса чўзилиб ётган танани босиб кетган. Бинобарин, унинг кўрсатувлари тўғри эканлиги ўз тасдиғини топди.

Бундан анча йиллар муқаддам такроран дактилоскопик текширув ўтказишимга тўғри келганлиги билан боғлиқ иш ҳам экспертизанинг объектив ҳақиқатни аниқлашдаги ролига мисол бўла олади. Вилоят ички ишлар бошқармаларидан бирининг эксперти бирламчи экспертиза ўтказиб, гиёҳвандлик моддалари солинган полиэтилен идишда айбланувчининг бармоқ излари бор деган хулосага келган. Айбланувчи айбини тан олмай, гиёҳвандлик моддалари солинган пакетни унга ташлаб кетишганлигини айтган. Экспертнинг хулосаси асосида унинг устидан

ҳукм чиқаришган. Лекин маҳкум адолатсиз ҳукм устидан шикоят беришда давом этган ва унинг адвокати такрорий экспертиза тайинланишига эришган.

Бирламчи экспертиза хулосаси ҳамда бу хулосага илова этилган фотосуратлар билан танишиб чиққач, чиндан ҳам суратларда акс эттирилган бармоқ изи маҳкумнинг бир бармоғи қолдирган из эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Бироқ такрорий экспертизага тақдим этилган полиэтилен пакетда гўё қора кукун билан аниқланган бармоқ излари иккита эди (биринчиси айбланувчиники, иккинчиси эса унинг уйи тинтув қилинганда пакетни топган тезкор ходимники экан). Пакетни текшириш унда қора кукун билан ишлов берилганлик аломатлари ҳам, дактилоскопик плёнкага туширилган бармоқ изларидан нусха олишдаги хос излар ҳам йўқлигини кўрсатди. Плёнкани ҳар хил қорамтир кукун билан ишловдан ўтказиш билан боғлиқ экспертлик экспериментларидан, агар пакет совун билан яхшилаб ювилмаган бўлса, полиэтиленда албатта кукун излари қолиши кераклиги аён бўлди. Пакетнинг ичида гиёҳвандлик моддаси хидига хос жигарранг модда қолдиқлари бор эди. Шу сабабли ашёвий далил алмаштириб қўйилганига, қолаверса пакет нимагадир ювилганига шубҳа қилишга менда асос йўқ эди.

Шу боис идентификация қилинган бармоқ изларини фотосурат билан янада синчковлик билан текширдим: изни ўрганиш учунгина эмас, балки чиндан ҳам бу из полиэтилен пакетдан нусха кўчириб олинганлигига ишонч

ҳосил қилиш учун шундай қилдим. Фотосуратни унинг ҳажмини қатталаштириш йўли билан ўрганиш бармоқ изи полиэтиленнинг ялтироқ сиртида эмас, балки қоғоз ёки ёғочга хос муайян сиртузилмасига эга бўлган оқимтир юзада бўлганлигини кўрсатди. Хулоса янада пухта ва ишончли бўлиши учун қатор экспериментлар ўтказилди: ўрганилаётган пакетда бармоқ излари қолдирилди, қора кукунлар аниқланди, кейин суратга олинди. Ана шунда тақдим этилган фотосуратдагидан тамомила фарқ қилувчи манзара аён бўлди. Бу ялтироқ плёнкадаги из эканлиги яққол кўриниб турарди.

Ана шу текширишларнинг натижалари идентификация қилинган бармоқ изи чиндан ҳам маҳкумнинг бармоғи қолдирган из, лекин у полиэтилен пакетда эмас, оқимтир, ялтироқ бўлмаган, қоғоз ёки ёғочга хос тузилмага эга бўлган бошқа бир сатҳда қолдирилган эдир.


Оқибат натижада ҳукм бекор қилинди, иш қайта терговга юборилди, бир неча ой қамоқда ўтирган маҳкум эса озод қилинди.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг катта илмий ходими.

Рассом ҳазили



М.ЭШОНҚУЛОВ чизган расм.



Р.АЗИЗОВ чизган расмлар.

Ёнгин хавфсизлиги йўлида

БУНИ БАРЧА БИЛИШИ КЕРАК!

Маълумки, бугунги кунда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Соҳада белгиланган вазибалардан келиб чиққан ҳолда ёнгин хавфсизлиги ходимлари жойларда турли тадбирларни ташкил этиб келмоқдалар. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтирган ҳолда уларга риоя этишга, ёнгиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат. Шу ўринда биз қуйида тилсиз ёв – оловнинг келиб чиқиши олдини олиш бўйича маслаҳат ва тавсияларимизни бермоқдамиз.

● **Электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта электр асбобларини улаш уларнинг қизиқ кетишига олиб келиши ва ёнгинга сабабчи бўлиши мумкинлигини унутмаслик керак.**

● **Заводда тайёрланган эрвучан предохранителлар ўрнига қўлбола предохранителлар (пробкалар) қўлланганда – ёнгин чиқиши муқаррар.**

● **Ёқилган электр дазмоллар, электр плиталар ва бошқа электр иситкич асбобла-**

рини ёнгинга чидамли ва иссиқликни изоляцияланган тагликлар устига қўйиш лозим. Уларни фақат катталар ёқсин. Уйдан чиқиб кетаётганда, албатта мазкур асбобларни ўчириш керак.

● **Электр симлар изоляцияси соз ҳолатда бўлиши шарт. Агар квартирангиздаги электр симлари эскирган бўлса ва электр розеткалар шикастланган бўлса, ёнгин чиқишини кутиб ўтирмасдан, зудлик билан электромонтерни чақиринг.**

● **Маиший кимёвий буюмларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлинг. Уларнинг кўлида ёнгин хавфи юқори. Дезодорант, аэрозоль, нитробўёқлардан фойдаланишдан олдин уларнинг ёрлиғида босилган йўриқномаларни ўқиб чиқинг.**

● **Газ асбобларидан фойдаланганда форточкани очишни унутманг. Ёқилган газ плиталарини назоратсиз қолдирманг. Болаларни ва мазкур асбоблардан фойдаланиш қоидаларини билмайдиганларни уларнинг ёнига йўлатманг.**

● **Ювилган кирларни газ плитаси устига илиб қуритиш хавфи – улар ёниб кетиши мумкин.**

● **Газ чиқаётган ёки чиқмаётганлигини текшириш учун очиқ оловдан фойдаланманг – бу портлашга олиб келади. Бунинг учун совун эритмасидан фойдаланган мақбул.**

● **Ёқилган телевизорни қаровсиз ва ёш болалар ихтиёрида қолдирманг. Теледастурлар туганидан сўнг уни ўчиришни ҳамда шнур вилкасини штепсель розетка-сидан чиқариб қўйишни унутманг.**

● **Ёнгин чиққан тақдирда зудлик билан ёнгин хавфсизлиги кўмагини чақиринг ва ёнгин бўлаётган бинодан одамларни олиб чиқиб, ёнгинни ўчириш воситалари ёрдамида ёнгинни ўчиришга киришиш керак.**

Айтиб ўтилган ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши турар жойингиз ва мол-мулкнингизни олов балосидан асрайди, ёнгин пайтида одамлар қурбон бўлишининг олдини олади.

Атҳам КЕНЖАЕВ,
Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.

ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 44 (277) 2010 йил 9 ноябрь

Chevrolet NIVA
Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



166-10 H512

Расмий дилер: "Sanag" хусусий корхонаси www.sanag.uz
Манзил: Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўч., 22В (мўлжал - Жанубий вокзал)
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган



Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов - исталган шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал - шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33, Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



TUV GERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

ART MEBEL GROUP
Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собик МУМ) - 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал - "Фунча" кинотеатри, "Тинчлик" м.б.)

057-10
Тўлов - исталган шаклда
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

«CHILONZOR ULGURJI SAVDO» МЧЖ

Буюртмага

- Гипсокартон учун рух қопламадан профиллар
- Шип учун осма тизимли «Armstrong» плиталари
- Кабель маҳсулоти
- Бўёқлар, алиф мой, лок
- Кир ювиш кукуни, совун
- Электродлар
- Кальций карбиди
- Битум, рубероид
- Линолеум
- Курук қурилиш аралашмалари
- Алебастр
- Белкураклар, челақлар, болталар
- Мўйқаламлар, валиклар, колерлар
- Қулфлар (ўйма ва осма)
- ПВА елими, КМЦ
- Ёзув-чизув товарлари ассортиментда



Шунингдек 500 дан ортиқ номланишда

391-10

Тел.: (8-371) 140 00 12, 140 04 12; (+99897) 334 2233, 434 5250
Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 42, 109-офис. E-mail: chsu.torg@mail.ru

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги
дренаж учун ГНОМ туридаги
К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли
ЦМК туридаги фекаль
"Андижанец" насоси

189-10
Товар сертификатланган

«КАСКАД» ҚЎЗ

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

ТОП

237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

РЎЙХАТЛАР

Фаргона вилоят хўжалик судининг 2010 йил 14 октябрдаги 15-10-02/24628-сонли ажримига асосан Риштон туман ДСИдан ва давлат рўйхатидан ўтган "Гелмос-Риштон" кишлоқ хўжалик кимё савдо дўконига нисбатан соддалаштирилган таомил бўйича банкротликка оид аризани қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш ишлари бошланганлиги муносабати билан кредиторлар йиғилиши 2010 йил 24 ноябрь куни соат 14.00 да Фаргона вилояти Риштон туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Мазкур корхонага алоқадор жисмоний ва юридик шахслар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида ўз муурожаатларини Риштон ш., Б.Рошидоний кўчаси, 21-уй, Риштон туман ДСИ биноси, 2-қават, 1-хонага билдиришлари мумкин.

Ушбу корхонанинг раҳбари ёки таъсисчилари томонидан 10 кун муддат ичида хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган думалоқ ва тўртбурчак муҳрлар, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳ-

номаси ва Низоми (Устави), улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, йўқолган деб ҳисобланиб бекор қилинади. Ушбу йиғилишга барча кредиторлар таклиф этилади.

Манзил: Риштон шаҳар, Б.Рошидоний кўчаси, 21-уй, Риштон туман ДСИ биноси.
Тел.: (8-373) 452-43-72,
+998916618811, +998737030380.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 октябрдаги 10-1020/16308(19)-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "AVANTE TRADE LYUKS" МЧЖ банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Мазкур корхонанинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой давомида ўз муурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-

уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин.
Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 октябрдаги 10-1017/16491-сонли ҳал қилув қарорига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "ELTEX GAZ SERVIS" МЧЖ ҳамда 10-1017/16490-сонли ҳал қилув қарорига асосан "BARAKA SAVDO RAH" МЧЖ банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид иш очилган. Мазкур корхоналарнинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга нисбатан талаб, таклиф ва эътирозлар 1 ой давомида Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 262-00-98.

УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортик

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

"Аудит-ВАРН" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажримларига асосан
Чилонзор туманидаги банкрот деб эълон қилинган
ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Санаси
"EFIM-FUDZE-MAX" МЧЖ	10-1021/16541	19.10.10
"КРОВН ЛЮКС СЕРВИС"	10-1021/16542	19.10.10

Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 3 ой давомида ўз мувожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин.

Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тугатув бошқарувчиси этиб М.Мирпўлатов тайинланган. Корхоналарнинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди.

*Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризалари берилган Мирзо Улуғбек туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган санаси ва рақами	Юридик манзили (Учтепа туманида)	Қарор рақами
"ARSENIY BIZNES" МЧЖ	301002486	11.12.2008	Уйғур кўч., 471а	10-1019/17503
"PAOLA OSIYO" МЧЖ	300976233	04.11.2008	Кўркам 2-тор кўч., 7	10-1019/17522
"DUR-SAVDO-SERVIS" ХФ	301261197	14.07.2009	Чилонзор 26-1В	10-1019/17531
"EKON KONSULTING GROUP" МЧЖ	301037237	22.01.2009	Чилонзор 14-19-39	10-1019/17527
"MARKIZA-XGX" МЧЖ	300873726	25.06.2008	Чилонзор 21-22-5	10-1019/17505
"OMER FARUK EXPORT" МЧЖ	301120736	31.03.2009	Чилонзор 23-26-32	10-1019/17526
"ZANGORI BULOQ" ХК	301099793	09.03.2009	Тонг 4-тор кўч., 17	10-1019/17510
"DAVR-IKROM BIZNES" ХК	300884395	08.07.2008	Самарабону кўч., 49	10-1019/17508
"SPHERE SERVIS" ХК	301260752	14.07.2009	Уйғур кўч., 453	10-1019/17518
"TOJ-MAHAL LYUKS" ХК	300913818	18.08.2008	Чилонзор 25-9-43	10-1019/17521
"EXTRA BUILD KLASS" МЧЖ	300916282	20.08.2008	Чилонзор 25-8	10-1019/17530
"FORTUNA EXKLUZIVE BIZNES" МЧЖ	301054730	06.02.2009	Чилонзор 30-13-62	10-1019/17506
"LOGOPED-SERVIS" ШК	301155977	23.04.2009	Фарход 2-тор кўч., 5	10-1019/17519
"ART RASSOM" МЧЖ	301032061	19.01.2009	Чилонзор 12-58-12	10-1019/17511
"ME'MOR-IJODKOR" ХК	301128527	06.04.2009	Чилонзор 31-52-199	10-1019/17513
"NOVUS PARTUS SERVIS" МЧЖ	300972247	28.10.2008	Саноат минтақаси ТАХИ 6-уй	10-1019/17512
"URIAN" МЧЖ	300978357	06.11.2008	Чилонзор 31-42-23	10-1019/17507
"YUGINVESTSTROY" МЧЖ	301220990	12.06.2009	Самарбону кўч., 49	10-1019/17523
"XAYRULLA-SERVIS" МЧЖ	301415906	23.12.2009	Меҳмондўст кўч., 37	10-1019/17504
"SALENET" МЧЖ	301037466	22.01.2009	Фарход кўч., 56	10-1019/17502
"AMPIR-DEKOR" МЧЖ	300914207	18.08.2008	Сегизбоев кўч., 1	10-1019/17517
"SHARKONA" МЧЖ	300988352	20.11.2008	Жамшид кўч., 50	10-1019/17525
"ELDORADO BIZNES" ХК	300915466	19.08.2008	Назарбек 3-тор кўч., 36	10-1019/17509
"VORIS-SAVDO SERVIS" ХФ	301131872	07.04.2009	Чевар кўч., 12	10-1019/17520
"OZODA-SERVIS" МЧЖ	301231527	19.06.2009	Чилонзор 24-49-2	10-1019/17528
"RUSTAMJON-DION" ХК	300947023	19.09.2008	А.Хошим кўч., 3	10-1019/17501
"TOJ-LOL"	301235473	24.06.2009	Мирхунд 7-тор кўч., 30	10-1019/17524
"ЭКОТЕСТ" ХФ	301125974	03.04.2009	Зарафшон кўч., 34	10-1019/17529
"DENI-INVEST" МЧЖ	301374429	11.11.2009	М.Уйғур кўч., 487	10-1019/17516
	301201721	29.09.2009	Изза кўч., 207	10-1019/17534
	3012019183	10.03.2006	Халқа йўли кўч., 12	10-1019/17535
	300928354	04.09.2008	Чилонзор 24-5-6	10-1019/17500
	205968226	16.01.2006	Чилонзор 23-4-26	10-1019/17515
	301413932	23.12.2009	Дурбек 1-тор кўч., 25	10-1019/17536
	301599725	03.05.2010	Қашқарий 3-тор кўч., 8	10-1019/17499
	301504043	17.02.2010	Чилонзор 21-2-69	10-1019/17532
	301459297	22.01.2010	Г.Жамшид кўч., 23	10-1019/17514
	301216679	09.06.2009	У.Зуфаров кўч., 23а	10-1019/17498
	300800942	11.04.2008	Чилонзор 19а-2-60	10-1019/17533

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамгалари ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонасида қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Norma маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ
босма хонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 805 Адади 4190. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 5 ноябрда соат 19.30 да тоширилди.
ISSN 2010-5223